

ISSN 2091 – 5616

AGRO ILM

2(18) SON, 2011



AGRO ILM

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОՂАЛИГИ —
СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА
журнали илмий иловаси

Бош муҳаррир:
Тоҳир
ДОЛИЕВ

МУАССИС:
Ўзбекистон
Республикаси Қишлоқ
ва сув ҳўжалиги
вазирлиги

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 15 августда 0291-рақам билан рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси Олий ағтестанга комиссияси Раёсатининг 2007 йил 27 декабргаги №140/4 сонли қарори билан қишлоқ хўжалик фаилари бўйича, 2008 йил 25 декабргаги №150/1 сонли қарори билан Агроеанват моҳчи иқтисодиёти илгитвослиги бўйича, 2010 йил 30 сентябргаги №167/4 сонли қарори билан техника фаилари бўйича илмий журналлар рўйхатига киритилган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Ш.Нурматов
(Хайват раиси)
А.Аманов
А.Абдуллаев
А.Абдусатторов
Б.Азимов
С.Азимов
Ш.Акмалхонов
С.Алимўхамедов
Х.Атабоева

К.Бойматов
Р.Бойматов
Р.Икромов
И.Масинно
М.Мирзаев
Х.Мирзаев
Қ.Мирзаёнов
А.Қайимов
Р.Назаров

У.Насириллаев
О.Олимжонов
Т.Остонакулов
О.Рамаёнов
Х.Сайдалиев
Ғ.Саматов
Р.Тиллаев
Ш.Тешаев
М.Тошболгаев
А.Тўхтақўзиев

Н.Халилов
Б.Холиқов
Н.Хушматов
Б.Шоимардонов
С.Юсунов
Т.Худойбердиев
Л.Ғафурова
Р.Ҳакимов
М.Ҳамидов
Т.Хўжакулов

«ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОՂАЛИГИ» ва
«AGRO ILM» журналларида чоп этиладиган
илмий мақолаларга қўйиладиган
ТАЛАБЛАР

1. Мақолалар:
— илмий мазмунга эга бўлиши, тадқиқотларнинг долзарблиги ва мақсади аниқ кўрсатилиши;
— тушунарли ва равои билан этилиши;
— охирида эса аниқ илмий ва амалий тавсиялар тарзида хулосалар берилиши керак.
2. Мақола ўзбек ёки рус тилида ёзилиши мумкин. Унинг ҳажми шакл ва жадваллар (кўпи билан 1,5 бет), адабиётлар руйхати, инглиз ва рус (мақола рус тилида бўлса ўзбек) тилларидаги аннотация (6–8 қатор) билан бирга 5 бетдан, илмий хабарлар эса 3 бетдан ошмаслиги лозим. Юбориладиган материаллар А4 ўлчамдаги оқ қоғозда, 1,5 интервал ва 14 шрифтида (ўзбек тилида TimesUZ, рус тилида Times New Roman) ёзилмоғи лозим.
3. Мақолани расмийлаштириш (формулаларни ёзиш, жадваллар

ни тузиш, грекча, катта ва кичик ҳарфларни ажратиш, сўзларни қисқартириш ва бошқалар) илмий журналлар учун қабул қилинган тартибларга бажарилди. Мақола мазмунига мос УДК индекси биринчи саҳифанинг тенадаги чап бурчагига қўйилади. Мақола охирида муаллифнинг исми, шарифи ва иш жойининг номи аниқ келтирилиши керак.

4. Нарар учун тавир мақола экепти хулосаси ва 2 нусxada, электрон шаклда қабул қилинади. Иккинчи нусха муаллифлар томонидан имзоланади. Муаллифларнинг тулиқ исми ва шарифлари, уи ва иш манзиллари, телефон рақамлари кўрсатилиши шарт.

5. Талабларга жавоб бермайдиган мақолалар қабул қилинмайди. Зарур ҳолларда таҳрирнинг мақолани тақриз учун юборишига ҳақли.

ТАХРИРИЯТ

2011 йил.
Июнь 2(18).

Бир йилда тўрт марта чоп этилади.

Обуна
индекси—859

Журнал 2007 йил
августдан чиқа
бошлаган.

© «AGRO ILM» журнали.

Манзилимиз:
Тошкент, 128,
Кох ота кўчаси, 75-уй.
Телефон: 240-57-10
Факс: 240-57-17.
e-mail:
qxjournal@agro.uz

А.МАРУПОВ, А.РАХМАТОВ, Ф.БОЙЖИГИТОВ. Монилиоз семечковых плодовых культур	35
С.РАШИДОВА. Иссиқхона бодринг ўсимлигида тамаки трипсига қарши <i>amblyseius mckenziei</i> sch ни қўллаш	36
И.ҲАМРОЕВ, Ф.ҒАППОРОВ. Зарарли темирчаклар биоэкологияси	37
Н.ОТАМИРЗАЕВ. Шоли зарарқунандалари	39
Н. ХОЛМОНОВ. Сидерат экинлари, гўнг ва триходерма замбуруги уйғунлигининг гўза физиологик жараёнларига таъсири	39

Ирригация-мелиорация

О.РАМАЗОНОВ. Суғориладиган ерлар олтин бойлигимиз	41
И.КАРАБАЕВ. Тупроққа турли меъёрда ўсимлик қолдиги қолдириб ишлов берилганда тупроқ ҳажм массасига таъсири	42
Т.ФАЙЗУЛЛАЕВА, Б.СУЛТАНОВ. История регулирования использования водных ресурсов	43
Т.УСМОНОВ. Ноз ва бетонли каналларни тозалашни механизациялаш	44
Ф.ЖЎРАЕВ. Дренаж-туйнукда ҳосил бўладиган кучланишлар концентрацияси ҳолатини ўрганиш ..	46
Г.ОБРУЕВ, Н.ХАЛИЛОВ, Ж.САИДОВ. Кўкат ўғитларнинг тупроқ агрофизик хоссаларига таъсири	47
М.УМАРОВ. Дефляцияга учраган тупроқларни муҳофаза қилиш ва унумдорлигини тиклаш йўллари	48

Механизация

Б.КАЛИМБЕТОВ, Р.СПЕВАКОВ, А.МИХАЙЛОВСКИЙ, С.УСАРОВ. К вопросу повышения эффективности работы привода шпинделей вертикально-шпиндельного хлопкоуборочного аппарата	50
А.КАДЫРОВ. Оптимизация механизированной обработки почвы в новых условиях хозяйствования	51

Б.МИРЗАЕВ, Ф.МАМАТОВ, Х.ФАЙЗУЛЛАЕВ, Ш.МАРДОНОВ. Эрозияга қарши тупроққа ишлов берадиган қия тутқичли ишчи органли юмшатқичнинг дала синови	52
Т. ХУДОЙБЕРДИЕВ, А. ИГАМБЕРДИЕВ, А. ВОҲОБОВ, А. МИРЗААҲМЕДОВ. Гўза қатор ораларига янги бугдой экиш воситаси	53
М. ТОШБОЛТАЕВ. Қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланиш даражасини оширишнинг назарий-методологик йўналишлари	54
А.ТЎХТАҚЎЗИЕВ, М.КАЛИМБЕТОВ, С.ҚЎЧҚОРОВ. Текислагич-зичлагич параметрларини асослаш	56
А.УМИРОВ. Дон ва сомон бўлақларининг жалюзали ғалвир сиртидаги ҳаракати	57
Б.ҚАҒРИЕВА. Транспорт воситаларининг параметрлари ва йўл-транспорт ҳалокатлари орасидаги боғланишларни моделлаштириш	59

Иқтисодиёт

К.БУСТОНОВ. Деҳқон хўжаликлари рақобатбардошлигини ошириш омиллари	61
З.ДЖЎРАБЕКОВА. Бандлик – тараққиёт омилли	63
Ҳ. ТУРОБОВА, Ж.АМИНОВ. Инфратузилмаларни такомиллаштириш йўналишлари	63
Ў.УМУРЗАКОВ, Б.ДЖУРАЕВ. Маркетинг да бозорни сегментлашнинг асосий йўналишлари ..	65
Х.ХАЛИЛОВ. Фермер ва деҳқон хўжалиқларини ахборот билан таъминлаш ва малақасини ошириш	66
Ғ.ДУСМУРАТОВ. Аграр тадбиркорлик фаолиятда таваккалчилик	66

Наши юбиляры

А.АМАНТУРДИЕВ, В.АВТОНОМОВ. Учёный, педагог, общественный деятель	68
--	----

ЭРОЗИЯГА ҚАРШИ ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРАДИГАН ҚИЯ ТУТҚИЧЛИ ИШЧИ ОРГАНЛИ ЮМШАТКИЧНИНГ ДАЛА СИНОВИ


Республикада қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари хом ашёсини ишлаб чиқаришда ерларнинг ҳолати муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда, қишлоқ ҳўжалик ерларининг 94 фоизи эрозияга учраган, яъни мавжуд 26734 минг гектар ернинг 2700 минг гектари сув эрозиясига, 20478 минг гектари шамол эрозиясига ва 2005 минг гектари эса сув ҳамда шамол эрозиясига учраши тупроқнинг унумдор қатламни емирилиб боришига олиб келади [1].

Тувроқни шамол эрозиясидан ҳимоя қиладиган технологиклар ва техник воситаларни ишлаб чиқиш, бу кўннинг долзарб муаммоларидан биридир. Тувроқни ағдармасдан, ағдартмасдан ишлов бериш бу – энергия-ресурстежамкор тувроқни ҳимоя қиладиган тувроққа ишлов бериш усулларидан биридир.


Тошкент ирригация ва мелiorация ва Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтларидан тувроққа ағдармасдан ишлов берадиган қия тутқичли ишчи органли-юмшаткичнинг тажриба нусхаси ясалди. Бундай юмшаткич далаи ерлар ва экинлардан бушаган далаларни ағдармас-

дан юмшатишга мўлжалланган. Юмшаткич рама, қия тутқичли ишчи органлар ва тақийш механизмидан ташкил топган (1-расм). Қия тутқичли ишчи органлар плут корюсларига ўхшаш жойлашган. Ишчи органларни бундай жойлаштириш агрегатни горизонтал турмуништини оширади ва тортишга қаршиликни камайтиради.

Қарши тажриба таъмирлаш механика заводида қия тутқичли ишчи органлар тайёрланди. Физик моделдаштириш методи ёрдамида қия тутқичли ишчи орган таъсирида тувроқни деформацияланиш хусусиятлари аниқланди ва унинг асосий параметрлари асосланди. Юмшаткич конструкциясидаги тутқич бўйлама-вертикал текисликда 45° ва кундаланг-вертикал текисликда эса 20° қия ҳолда бажарилган. Тутқичнинг бу тарзда бажарилиши тувроқни юмшатиш учун сарфланадиган энергия сарфини камайтиради. Қия тутқичли ишчи орган (2-расм) қия тутқич (1), юмшатувчи пластина (2), бошмоқ (3), искана (4), пичоқ (5) ва дала тахтаси (6) дан ташкил топган. Ишчи орган тутқичининг қалинлиги 0,03 м, қия қисмининг ба-



1-расм. Қия тутқичли ишчи органли юмшаткичнинг умумий кўриниши



2-расм. Қия тутқичли ишчи орган

Қия тутқичли ишчи органли юмшаткичининг агротехник кўрсаткичлари

№ т/р	Кўрсаткичларнинг номи ва ўлчами баранжа	Кўрсаткичларнинг қиймати	
		ПЛН-3-35 плуги	қия тутқичли юмшаткич
1.	ҳаракат тезлиги, м/с	1,56	2,7
2.	Қамоқш кенлиги, м	1,16	1,19
	- ўртача квадратик четлашқи, Ғ см	6,9	1,2
	- қарқандик коэффициенти, %	6,5	1,15
3.	Ишлов бериш чуқурлиги	24,6	24,9
	- ўртача квадратик четлашқи, Ғ см	2,3	1,71
	- қарқандик коэффициенти, %	4,88	3,61
4.	Дала юзасидан тупроқнинг кўнчилиги, см	13,6	5,5
5.	Дала юзасидан нотекиликларнинг ўртача баландлиги, см	12,4	6,1
6.	Ўсимлик қолдиқларини сақлашнинг, %	15,8	83,1
7.	Тувроқнинг майдаланиши, %		68,7
8.	Фракциялар, мм		
	200 мм дан юқори	-	-
	100 - 200 мм	10,4	8,1
	50 - 100 мм	11,5	12,6
	50 мм дан кам	78,1	80,5

ландлиги 0,25 м, исканасининг майдалаш бурчаги 21°, кенлиги 0,06 м, пичоқни чарқлаш бурчаги 24°дан иборат.

Маъкур тувроқ юмшаткич буйича синон Қашқадарь вилоятининг Чироқчи туманидаги «Гило» фермер хўжалиги далаларида ўтказилди. Фермер хўжалиги асосан дала-ми қаллачиликка ихтисослашган бўлиб, экин майдони



3-расм. Қия тутқичли ишчи органли юмшаткичининг иш жараёни

нотекис, қия ва нишаблиги 6-7°. Тувроқ тури — оқ тусли буз. Тувроқнинг 0–30 см қатламида тувроқнинг ўртача намлиги ва қатқиллиги мос ҳолда 11,8–13,6 % ва 4,51–6,14 Мпа. дан иборат.

Тадқиқотлар жараёнида юмшаткич ва ПЛН-3-35 плугининг агротехник кўрсаткичлари аниқланди. Юмшаткич МТЗ-80 русумли трактори билан агрегатланиб, дала синовларидан ўтказилди.

Натижалар шунини кўрсатдики (жадвал), тувроққа қия тутқичли юмшаткич билан ишлов беришда тувроқнинг кўнчилиги даражаси ПЛН-3-35 плугига нисбатан 13,24% га кам бўлди. Чунки қия тутқичли ишчи орган тувроқни ағдармасдан юмшатади. Бу тувроқнинг кўнчилиги даражасини камайтиради. Дала юзасида ўсимлик қолдиқларини сақлаши 83,1% ни ташкил этди. Улар

тувроқни шамол ва сув эрозиясидан ҳимоя қилиб, юмшатишган тувроқ қатлами ўзида намни яхши сақлайди. Натижада тувроқ унумдорлиги сақланиб қолинади. Юмшаткич билан тувроқни майдаланиши даражаси ПЛН-3-35 плуги билан деярли бир хил 80,5% га тенг. Тувроқнинг майдаланиш даражаси тутқичнинг қиялиги ва юмшатувчи пластина ҳисобига амалга оширилади. Қия тутқичли юмшаткич билан юмшатишган дала юзаси нотекислиги ПЛН-3-35 плуг билан ишлов беришган дала юзаси нотекислигига нисбатан 49,2 % га кам. Чунки қия тутқичли юмшаткич билан ерга ишлов беришганда, оқиқ эгат ва марзалар ҳосил бўлмайди. Бу дала юзаси текислигини таъминлайди, қия тутқичли ишчи органларини, плуг корпусига нисбатан тортишга қаршилиги камлиги босе агрегатнинг ҳаракат тезлиги 21% ошган.

Қия тутқичли ишчи органли юмшаткич тувроқни ағдармасдан ишлов бериш технологик жараёнини қондиқарди бажаради, талаб қилинган текислигини таъминлайди ва дала юзасида ўсимлик қолдиқларини ағдаргичли плугга нисбатан 67,3% га кўн қолдириб, тувроқни шамол эрозиясидан сақлайди.

**Б.МИРЗАЕВ, Ф.МАМАТОВ,
Х.ФАЙЗУЛЛАЕВ, Ш.МАРДОНОВ,
(ТИМИ)**

АДАБИЁТЛАР

1. *Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари атласи. «Қорақалпоқистон Республикаси, вилоятлар ер фонди ва суғориладиган ерларнинг сифат таснифи»*, Биринчи нашр, 2001 й.
2. *Рекомендация Применение чизельной обработки почвы*, Москва «Агропромиздат», 1968, 11 стр.

УЎТ.631.331

ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИГА ЯНГИ БУҒДОЙ ЭКИШ ВОСИТАСИ

Бутунги кунда мамлакатимизда буғдой оқиқ майдонларда ва ғўза қатор ораларида етиштирилмоқда. Уруғи оқиқ майдонларга СЗ-3,6 селкалар ва хорижий давлатлар техникаларида экилмоқда. Ғўза қатор ораларида экишга мўлжалланган буғдой экиш машиналарининг мукамал варианты ҳозирги кунга қадар ишлаб чиқилгани йўқ. Илмий тадқиқот ишлари натижасида 2-3 хил ғўза қатор ораларига буғдой экиш машиналари тавсия этилган, аммо уларнинг барчасини иш принципи бир хил, яъни, уруғни сепиб экишдан иборатдир. Асосан ғўза қатор орасига кузги буғдой уруғи экиш учун ҳар хил мослама, селка ва вазифаси бошқа ишларга мўлжалланган (гранулати ўтиг сепиш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш) машиналардан фойдаланилмоқда. Маъкур экиш воситаларида дала-

ни экишга тайёрлаш, экиш ва кўминг ишларини бажаришда ғўза қатор ораларига агрегатнинг 3-4 мартаба қиритилиши кузатишмоқда. Бунинг натижасида экиш-мўйлаш материаллари, нобудгарчилик ва фойдаланиш харажатлари ортмоқда. Ушбу экиш воситалари буғдой экиш агротехника талабларга тўлиқ мос келадди, деб бўлмайди.

Юқориди келтириб ўтилган экиш воситаларининг асосий камчиликлари қуйидагилардир:

- уруғларни белгиланган чуқурликда бўлишини таъминдамаслиги;
- уруғларни майдон юзасига бир текис жойланмаслиги;
- белгиланган меъёрдаги уруғни маълум бир майдон юзасига тенг тақсимланмаслиги.